

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 9 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SCP1342V3I9Y2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 9 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Ақтамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Matajonov Rahimjon Akramovich*
“VII-VIII ASRLARDA ARAB XALIFALIGI ISTILOSIGA QARSHI KURASHDA MAHALLIY HUKMDORLARNING O‘RNI VA ROLI” MAVZUSIGA OID INGLIZ TILLI TADQIQOTLAR TAHLILI 10-16
- Облобердиев Жасурбек Косим угли*
МЕРЫ НАКАЗАНИЯ, ПРИМЕНЯЕМЫЕ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ В КОНЦЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВВ 17-22

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Турсунов Бекмухаммад Омонович*
МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ МЕЗОН ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ 23-34
- Курпаяниди Константин Иванович*
ИССЛЕДОВАНИЕ ТРАНСФОРМАЦИИ ЭКОНОМИКИ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ СИСТЕМ УПРАВЛЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ ЧЕРЕЗ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ РЕФОРМЫ 35-44
- Ahmedov Shohjaxon*
O‘ZBEKISTONDA CHAKANA SAVDONI RIVOJLANISH TENDENSIYALARI TAHLILI 45-51
- Кулибоев Азамат Шоназарович*
БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ 52-62
- Рўзиев Абдумалик Ортиғалиевич*
МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИ БАҲОЛАШДА МИҚДОРИЙ ВА АХБОРОТ ТАҲЛИЛИ МЕТОДОЛОГИЯСИ 63-73
- Abduraxmanova Shoxida Ravshanovna*
TIBBIYOT MUASSASALARIDA RAQOBATBARDOSHLIKNI BOSHQARISHNI TAKOMILLASHTIRISH 74-80
- Davronov Istamxo‘ja Olimovich*
МЕНМОНХОНА ХИЗМАТЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ВА СИФАТИНИ ВАНОЛАШ USULLARI 81-86
- Маматов Бахадир Сафаралиевич*
ҲУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ 87-96
- Шолдаров Дилшод Азимиддин ўғли*
КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР УЧУН НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ 97-104
- Баратов Махсудали Назиралиевич*
МИКРОМОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ 105-116

| | |
|--|---------|
| <i>Ergashev Islom Ismoilovich</i> KESKIN RAQOBAT SHAROITIDA XIZMAT KO'RSATISH KORXONALARI INVESTITSION JOZIBADORLIGINI OSHIRISHNING METODOLOGIK ASOSLARI | 117-127 |
| <i>Қодиров Азизжон Анварович</i> ЎТИШ ИҚТИСОДИЁТИ МАМЛАКАТЛАРИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АМАЛИЁТИ | 128-136 |
| <i>Эшонкулов Акмал Кудратович</i> ПРОБЛЕМЫ ПРОВЕДЕНИЯ АНАЛИЗА ДЕНЕЖНЫХ ПОТОКОВ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН | 137-142 |
| <i>Астанов Шерзод Рустамович</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ | 143-150 |
| 09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ | |
| <i>Abdullayev Ibodulla Abdullayevich</i> YOSHLARNI MILLIY G'URUR RUHIDA TARBIYALASHDA OILA VA OILAVIY QADRIYATLARDAN UNUMLI FOYDALANISH USULLARI | 151-155 |
| <i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i> BAHS-MUNOZARALARDA QO'LLANILADIGAN TUZOQLAR VA MANIPULYATSION (SPEKULYATIV) USULLAR | 156-164 |
| <i>Alimatova Nargis Abduxalilovna</i> BARQAROR RAQOBAT USTUNLIGI-RAQOBATBARDOSHLIK OMILI | 165-174 |
| <i>Allayarova Marhabo Mavlonovna</i> UCHINCHI RENESSANS DAVRIDA YOSHLAR BADIY IJODINI RIVOJLANTIRISH ZARURIYATI | 175-179 |
| <i>Рахманов Баҳодир</i> СИНЕРГЕТИК ТАФАККУР: ФАЛСАФИЙ МЕРОСИМИЗНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ | 180-186 |
| <i>Abdiraxmanov Muzaffar Zaripbayevich</i> ABU ALI IBN SINONING XORAZM MA'MUN AKADEMISIDAGI FAOLIYATI | 187-191 |
| <i>Mirzaxalov Xojiakbar Tajibayevich</i> JAMIYATDA GENDER TENGLIGI MUAMMOSINING IJTIMOY-FALSAFIY TAHLILI | 192-197 |
| <i>Azimov Ashirali Mehmonboyevich</i> XOTIN-QIZLAR GENDER MA'RIFATINING IJTIMOY BARQARORLIKKA TA'SIRI | 198-202 |
| <i>Azimov Sherzod</i> PHILOSOPHICAL REFLECTION ON THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF SPORT IN SOCIETY | 203-207 |
| <i>Абдурахмонович Хасан Иброхимович</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ИННОВАЦИОН ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ | 208-216 |

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ*Kuliyeva Dilshoda Alijon qizi*

QUMAN TOPISHMOQLARINING O'ZBEK FOLKLORIDAGI PARALLEL SHAKLLARI 217-223

Тешабаева Дилфуза Муминовна, Абдухалилова Гулбаҳор Карабаевна

ТУРИЗМ СОҲАСИГА ОИД СЎЗ ВА ИБОРАЛАРНИ ПРЕФИКСЛАР ЁРДАМИДА

ЯСАЛИШИ 224-230

Abdinazarov Uktam Qushoqovich

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA GIPPOLOGIK TERMINLARNING LINGVISTIK TADQIQI.. 231-236

Axmedova Shaxodat Maxmutovna

O'ZBEK XALQ PAREMALARIDA SHIFO KONSEPTINING IFODALANISHI..... 237-241

Ruziyev Xusniddin Baxritdinovich

JAHON TILSHUNOSLIGIDA PAREMALAR TADQIQI 242-246

Vositov Otabek Toxirjonovich

TABIATNING ATMOSFERA HODISASI UMUMIY MA'NOSI VA LEKSIK SEMANTIKA

GURUHLARNING STRUKTURAL XUSUSIYATLARI 247-253

Нодир Раҳматуллаев

НАЗАР ЭШОНҚУЛ НАСРИДА ШАРПА АРХЕТИПИНИНГ ТАЛҚИНИ 254-260

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР*Мамасобиров Давронбек Эрназарович*

ВАТАНДОШЛАР БИЛАН ИШЛАШ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ 261-270

Urakov Djahongir Rajabovich, Sharipovasror Safar o'g'li

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QONUN HUJJATLARIDA FUQAROLIK JAMIYATI

INSTITUTLARNING HUQUQIY ASOSLARI 271-276

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ*Djamaldinova Shaxlo Obloberdiyevna*

OLIY TIBBIY TA'LIM MUASSASALARI TALABALARI HISSIY-KOMMUNIKATIV

KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISH 277-281

Umarova Zaxro Abduraxim qizi

TALABALAR MUSTAQIL TAYYORGARLIGINI RIVOJLANTIRISHDA NOSTANDART FIKRLASH

(THINKING OUTSIDE THE BOX) NING ROLI 282-287

Kadirov Ramz Turabovich

TALABA-AKTYORLARNING SAHNA NUTQIGA OID BILIM VA KO'NIKMALARINI

TAKOMILLASHTIRISHNING SPETSIFIK TEXNOLOGIYALARI (DARS JARAYONIDAGI

MASHG'ULOTLAR MISOLIDA) 288-295

Khabiba Madaminovna Jurabekova

THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF LISTENING IN THE FORMATION OF COMMUNICATIVE

COMPETENCE OF STUDENTS IN RUSSIAN LESSONS 296-302

| | |
|---|---------|
| <i>Nishonov Akmal Obidovich, Xamrakulov Xamidullo Turgunboyevich</i> KLAUSTERLI O'ZARO TA'SIR SHAROITIDA INFORMATIKA O'QITUVCHILARINING MALAKASINI OSHIRISH JARAYONINI MODELASHTIRISH MASALALARI | 303-310 |
| <i>Ergashev Murodbek Ikromovich</i> MUSIQA TA'LIMIDA O'QUVCHILARNING KREATIV VA IJTIMOYIY KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHNING MAVJUD IMKONIYATLARI | 311-316 |
| <i>Utkirov Nusrat Kamilovich</i> BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA MUTAXASSISLARINI TAYYORLASHNING KASBIY-PEDAGOGIK KOMPETENTLI TA'MINOTINI RIVOJLANTIRISH | 317-322 |
| <i>Yulbarsova Xurshida</i> BO'LAJAK SOTSIOLOGLARDA IJTIMOYIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING TASHKILY-PEDAGOGIK JIHATLARI | 323-329 |
| <i>Baychayev Fazliddin Xusenovich</i> BO'LAJAK KON-METALLURGIYA SANOATI MUTAXASSISLARINING ELEKTROSTATIKAGA OID NAZARIY BILIMLARINI MUSTAHKAMLASH | 330-335 |
| <i>Muminov Ulmas Ravshanqulovich</i> O'ZBEKISTONDA "MAHALLA INSTITUTI" NING MAHALLIY O'Z-O'ZINI BOSHQARISH – ORGANI SIFATIDA SHAKLLANISHI, UNING HUQUQIY ASOSLARINI YARATILISHI | 336-341 |
| <i>Tajibayeva Ma'mura Tojidinovna</i> AJDODLARIMIZ PEDAGOGIK TA'LIMOTLARINI O'RGANISH ASOSIDA TALABALARDA G'OYAVIY DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISH | 342-346 |
| <i>Askarova Zulayxo</i> BOSHLANG'ICH TA'LIM JARAYONIDA O'QUVCHILARNING FIKRLASH DARAJASINI ANIQLASHDA INNOVATSION METODLARDAN FOYDALANISH SAMARASI | 347-352 |
| <i>Akhmadjonova Diyora Dilshod qizi</i> EXPLORING THE EFFECTIVENESS OF TEACHING THROUGH ONLINE PLATFORMS | 352-362 |
| <i>Jumaniyazova Go'zal</i> OLY O'QUV YURTI TALABALARINI PIRLSGA YO'NALTIRILGAN TOPSHIRIQLARNI TAYYORLASHGA O'RGATISH METODIKASI | 363-367 |
| <i>Xusaiova Leyla Yunsova</i> СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В ОБУЧЕНИИ ФОНЕТИКЕ: ТЕХНОЛОГИИ И МЕТОДЫ | 368-373 |
| <i>Xudayberganov G'ayrat Quranboyevich</i> МАТЕМАТИК КРЕАТИВ ТАВСИФДАГИ MASALALARNING BOSHLANG'ICH SINFI O'QUVCHILARIDA КРЕАТИВ FIKRLASHINI FANLARARO ABSSESSIAL VA ORDINATAL BOG'LAB SHAKLLANTIRISHDAGI O'RNI VA ROLI | 374-379 |
| <i>To'xtasinov Muhammadjon</i> PEDAGOGLAR KASBIY KOMPETENLIGINI OSHIRISHDA UZLUKSIZ METODIK XIZMATNING O'RNI | 380-384 |

Eshnazarov Murod Karimovich

GERMENEVTIK YONDASHUV ASOSIDA TA`LIM MAZMUNINI RIVOJLANTIRISH

IMKONIYATLARI385-391

08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари

Маматов Бахадир Сафаралиевич
Тошкент молия институти доценти, DSc.
Email: bahadir_mamatov@mail.ru

ҲУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада инвестиция муҳитининг мазмуни, инвестициявий жозибadorлик ва салоҳиятнинг ўзаро боғлиқлиги, Ўзбекистон, жумладан, Сурхондарё вилоятида инвестиция жараёнлари ҳолати ва унга инвестиция муҳити жозибadorлигининг таъсири, минтақада инвестициявий жозибadorликни ошириш муаммолари тадқиқ этилиб, уни янада оширишга қаратилган илмий хулосалар шакллантирилган ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инвестициялар, инвестиция фаолияти, инвестиция муҳити, инвестицион жозибadorлик, инвестицион салоҳият, ҳудуд, хорижий инвестициялар, инвестиция дастури, тадбиркорлик фаолияти.

Mamatov Bahadir Safaralievich,
Associate Professor of Tashkent Financial Institute, DSc.

ISSUES OF INCREASING THE ATTRACTIVENESS OF THE INVESTMENT ENVIRONMENT IN THE REGIONS

Abstract. The article focuses on the analysis of the investment environment, the interdependence of investment attractiveness and potential, the state of investment processes in Uzbekistan, including in the Surkhandarya region, as well as the impact of the investment environment on it, the problems of increasing investment attractiveness in the region. On the basis of the study, scientific conclusions were formed and proposals were developed aimed at increasing the investment attractiveness of the Surkhandarya region.

Key words: investments, investment activity, investment environment, investment attractiveness, investment potential, region, foreign investment, investment program, entrepreneurial activity.

Маматов Бахадир Сафаралиевич
Доцент Ташкентского финансового института, DSc.

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ СРЕДЫ В РЕГИОНАХ

Аннотация. В статье уделено внимание анализу инвестиционной среды, взаимозависимость инвестиционной привлекательности и потенциала, состояние инвестиционных процессов в Узбекистане, в том числе в Сурхандарьинской области, а также влияние на нее инвестиционной среды, проблемы повышения инвестиционной привлекательности в регионе. На основе исследования сформированы научные выводы и разработаны предложения, направленные на повышение инвестиционной привлекательности Сурхандарьинской области.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционная деятельность, инвестиционная среда, инвестиционная привлекательность, инвестиционный потенциал, регион, иностранные инвестиции, инвестиционная программа, предпринимательская деятельность.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I9Y2023N10>

Кириш. Халқаро амалиётдан маълумки, инвестициялар ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг драйвери сифатида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Савдо ва ривожланиш бўйича конференциясининг (UNCTAD) янги маърузасида қайд этилишича, «2021 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг глобал оқими 1,58 трлн. АҚШ долларини ташкил этди ва бу 2020 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 64 фоизга кўпдир. Бироқ, 2022 йилда халқаро бизнес ва халқаро инвестициялар учун глобал муҳит кескин ўзгарди. Украинадаги уруш – пандемиянинг давом этаётган таъсирини янада кучайтириб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида озиқ-овқат, ёқилғи ва молиявий инқирозни келтириб чиқармоқда. Натижада, инвестициявий муҳитнинг ноаниқлиги 2022 йилда глобал тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимига салбий таъсир кўрсатмоқда. 2022 йилнинг биринчи чорагида инвестиция лойиҳалари сони 21 фоизга, халқаро лойиҳавий молиялаштиришга оид битимлар сони 4 фоизга камайди» [1]. Бундай тенденция халқаро инвестициялар учун рақобатлашиш борасида мамлакатда бизнес муҳитининг янада яхшиланишини ва инвестициявий жозибадорлигининг оширилишини тақозо этади.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Инвестицияларни жалб этиш ва унга инвестиция муҳити жозибадорлигининг таъсири масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида бугунга қадар ўрганилиб келинмоқда. Жумладан, иқтисодчи-олимлар Б.С.Маматов, Д.Ю.Хужамкулов, О.Ш.Нурбековлар фикрига кўра, «инвестиция муҳити инвестиция муносабатларини амалга ошириш мумкин бўлган имкониятлар ва қулайликлар мажмуасини ўзида акс эттирган воқелиқдир. Инвестиция муҳитини яхшилашдан мақсад инвестиция салоҳиятини учун зарур ва мақбул шарт-шароитларни яратиш, инвестиция фаолиятини жадаллаштириш ва пировардида, иқтисодиётни юксалтириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини яратишдан иборат» [2].

Иқтисодчи-олимлар А.Вахабов, Ш.Хажикакиев, Н.Муминовлар таъкидлашларига кўра: «инвестиция муҳити – бу хорижий капитал қўйилмаларининг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий, юридик ва ижтимоий омиллар йиғиндисидир. Инвестиция муҳити комплекс, кўпқиррали тушунча бўлиб, миллий қонунчилик, иқтисодий шарт-шароитлар (инқироз, ўсиш, стагнация), божхона режими, валюта сиёсати, иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция суръатлари, валюта курсининг барқарорлиги, ташқи қарздорлик даражаси каби кўрсаткичларга эга» [3].

Иқтисодчи-олим Б.К.Тухлиев инвестиция муҳитини унга боғлиқ омиллар билан изоҳлайди, яъни «инвестиция муҳити мавҳум тушунча бўлиб, унинг муайянлигини инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини аниқлайдиган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий

ҳамда бошқа шарт-шароитларнинг умумлаштирувчи хусусиятлари белгилаб беради. Инвестиция фаолиятига таъсир кўрсатувчи бу омилларнинг ўзаро боғлиқ мажмуаси у ёки бу мамлакат иқтисодиётидаги ҳал қилувчи инвестиция муҳити ҳисобланади» [4].

Хорижлик олимлардан Pernia Ernesto, Salas John Michael Ian Sioson ўз тадқиқотлари натижаларига кўра, «инвестицион муҳит кенг маънода «инвестициялар билан боғлиқ даромад ва хавфларга таъсир қилувчи мавжуд ва кутилаётган сиёсат, институтционал ва хатти-ҳаракатлар муҳити» [5] сифатида таърифланишини таъкидлайдилар.

А.М.Басенко, П.В.Тарановлар ўз асарларида «инвестиция муҳити» ва «инвестиция иқлими» тушунчаларини синоним сифатида қараб, ушбу атамалар мазмунига «капитални қўйиш давомидаги рисклилик даражаси, аниқ режа қилинган объектга нисбатан инвестиция киритишдаги жозибadorлиги даражасини шакллантирувчи ички ва ташқи шарт-шароитлар, қулайликлар» [6] сифатида ёндашилганлигини гувоҳи бўлиш мумкин.

Инвестиция муҳити инвестицияларни жалб этиш учун муайян жозибadorлика эга бўлиши талаб этилади. Шунга кўра, Б.С.Маматов, Д.Ю.Хужамкулов, О.Ш.Нурбековлар «инвестициявий жозибadorликни мамлакат, тармоқ ёки алоҳида олинган бирор-бир корхона инвестицияларининг даромадлиги, ривожланиш истиқболлари ва инвестиция risksи даражаси нуқтаи назаридан баҳоланиши сифатида эътироф этган ҳолда инвестициявий жозибadorлик инвестиция салоҳияти ва инвестиция risksи даражасини шакллантирадиган икки гуруҳ омилларнинг бир вақтда таъсир этиши орқали аниқланади» [2], деган хулосаларни билдиришади.

Х.Жўраев, О.Алияров тадқиқотлари асосида «минтақа инвестиция муҳити масаласини алоҳида ўрганишга эътибор қаратган ҳолда унинг мазмунини минтақа инвестиция муҳитига таъсир этувчи объектив омиллар билан ифодалайди» [7]. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик ҳолатини ифодаловчи асосий кўрсаткич, унинг инвестицион жозибadorлиги ҳисобланишидан келиб чиқиб, худудларда инвестицион муҳитни шакллантириш, инвестицион жозибadorликни оширишда самарали маркетинг стратегияларидан фойдаланиш бўйича изланишлар олиб борилган [8].

Профессор Ш.И.Мустафакулов тадқиқотларида «мамлакатнинг инвестиция жозибadorлигини баҳолаш ва унда инвестицияларнинг риск (хатар) даражасини ҳисобга олиш масалалари» [9] ўрганилган.

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида инвестицияларни жалб этиш кўлами ва самарadorлигини оширишда худудий хусусиятлар, жумладан, алоҳида худуднинг ўзига хос бўлган инвестиция муҳити ва унинг жозибadorлигини ошириш ҳамда бу борада илғор хориж тажрибаларидан ижодий фойдаланиш имкониятлари алоҳида, мустақил илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Жумладан, Сурхондарё вилоятида инвестиция муҳити жозибadorлигини ошириш ва унинг самарadorлигини таъминлаш муаммолари иқтисодий адабиётларда етарли даражада илмий ва амалий жиҳатдан ўрганилмаганлиги ва шунга мувофиқ, ушбу масалага оид тадқиқотларни олиб бориш илмий-амалий аҳамиятга эга эканлиги мазкур мақола мавзусининг танланишига асос бўлди.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқотнинг методологик асосини

тадқиқотнинг диалектик усули, тизимли ва жараёнли ёндашувлар ташкил этади. Ишда илмий абстракция, синтез, гуруҳлаш ва таққослаш, иқтисодий таҳлил каби тадқиқот усулларида ҳамда расмий ахборот базасидан фойдаланилди.

Муҳокама ва натижалар. Ҳар бир мамлакатда инвестиция муҳитини шакллантириш, унинг жозибadorлигини ошириш инвесторларнинг асосий ва доимий талабларидан бири бўлиб келмоқда. Шу сабабдан мазкур ҳолатда инвестицион жозибadorликни ошириб бориш энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Эътиборли томони шундаки, инвесторлар, хусусан, хорижий инвестор ўзга иқтисодийётга ўз капиталини жойлаштириш жараёнида мамлакатнинг энг жозибador муҳитга эга ҳудудига инвестицияларни киритишни мақсад қилишади. Бундай ҳолатда мамлакатнинг барча ҳудудларига бир хил савияда, кўламда ва даражада инвесторлар капиталини жалб этишга эриша олмаслик муаммолари юзага келади. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда алоҳида ҳудудлар даражасида уларнинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инвестициявий жозибadorлик ва инвестициявий салоҳият тушунчалари аксарият иқтисодчилар томонидан бир хил мазмунда талқин қилинади. Жумладан, россиялик иқтисодчи-олим Н.Н.Скорниченко ўз тадқиқотларида шунга ўхшаш мазмундаги талқинларни келтиради [10].

Иқтисодчи-олим Д.Ю.Хужамкулов инвестициявий муҳит таркибини изоҳлар экан, унинг инвестициявий жозибadorлик ва инвестициявий фаолликдан иборат бўлишини, ўз навбатида, инвестициявий жозибadorлик инвестициявий риск даражаси ва инвестициявий салоҳиятдан ташкил топишини асослайди. Ўз навбатида, инвестициявий салоҳият турлари табиий ресурслар, меҳнат, ишлаб чиқариш, истеъмол, инновацион ва молиявий салоҳиятлардан иборатлигини баён қилади [11].


Х.Жўраев, О.Алияровлар тадқиқотларида юқорида келтирилган минтақа инвестициявий салоҳияти турлари жумласига институционал салоҳият, инфратузилма салоҳиятини киритган ҳолда асослаб берилган [7].

Олиб борилган изланиш натижаларига асосан шуни таъкидлаш лозимки, ҳудуд инвестициявий жозибadorлигини кўрсатувчи инвестицион салоҳият турлари юқорида қайд этилганлардан ҳам кенгроқ таркиб ва мазмунга эгадир. Бугунги иқтисодий-ижтимоий ривожланишлар натижаларидаги ўзгаришлар ва талабларга асосан, нафақат, мамлакат, балки, унинг алоҳида ҳудуди миқёсида рақамли хизматлар салоҳияти ҳамда ахборот таъминоти салоҳияти ҳам инвестициявий жозибadorликни белгилаш ва оширишдаги муҳим омиллардан эканлигини кўрсатмоқда.

Рақамли хизматлар салоҳияти мамлакат ва алоҳида ҳудуддаги рақамли технологияларнинг жорий этилганлик даражаси, жумладан, рақамли бизнес, электрон ҳукумат, электрон хизматлар, электрон тижорат кабиларнинг йўлга қўйилганлик даражасини ўзида мужасам этса, ахборот таъминоти салоҳияти ҳар бир ҳудуд, ҳокимлик, вазирлик ҳамда алоҳида корхона ва ташкилотлар даражасида ахборотларнинг очиқлиги, мукамаллиги, тўлиқлиги, ишончилиги, янгиланганлиги, уларнинг эркин, тўғридан-тўғри ва тўсиқларнинг исталган вақт ва масофадан олиш имкониятларининг яратилганлиги ҳамда бу борадаги хизматлар таъминотини тизимининг ва назоратининг ўрнатилганлигини акс эттиради.

Ўз навбатида шуни таъкидлаш муҳимки, ҳар бир инвестицион салоҳият тури унга

хавф солувчи инвестицион рисклар билан бирга намоён бўлишини унутмаслик лозим. Юқоридагиларга асосан, биз ҳудуд инвестиция муҳити, жозибadorлиги ва салоҳиятини кўйидаги 1-рasm орқали ифодалашни ўринли, деб ҳисоблаймиз. Тадқиқотлар натижасига кўра, ҳудуднинг инвестиция муҳити ўзаро боғлиқликдаги инвестицион жозибadorлик ва инвестицион фаолликдан шаклланади. Ўз навбатида, инвестицион жозибadorлик инвестиция салоҳияти ва маълум даражадаги инвестиция рискига асосланади.



1-рasm. Ҳудуд инвестициявий жозибadorлигини белгиловчи инвестицион муҳит таркиби ва шаклланиши [12]


Ҳудуднинг инвестицион жозибadorлиги инвестицион фаолликни белгилайди. Инвестицион фаолликнинг ошиб бориши инвестицион жозибadorликнинг янада такомиллашувига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Бу эса пировардида, «ҳудуднинг асосий капиталига инвестицияларни жалб қилиш интенсивлиги» оширишга олиб келади. Ҳудуднинг асосий капиталига инвестицияларнинг жалб этилиши эса инвестиция фаолияти ифодайди.

Шуни қайд этиш лозимки, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда Сурхондарё вилояти алоҳида аҳамият касб этади. Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг Жанубий дарвозаси сифатида мамлакатнинг қўшни Афғонистон ва олис давлатлари билан, жумладан, Эрон, Покистон, Ҳиндистон каби давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш, хусусан, Эрон денгиз портлари орқали халқаро савдо коридорларига чиқиш ҳамда савдо иқтисодий ҳамкорлик кўламини тобора ошириб

боришнинг улкан имкониятлари мавжуд.

Шунга кўра, Сурхондарё вилояти иқтисодий-ижтимоий, географик ва бошқа имкониятларидан самарали фойдаланишда инвестицияларни фаол жалб этиш, бунинг учун вилоятнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўрганиш натижалари Сурхондаё вилоятининг мавжуд 15 та туман ва шаҳарларида 2017-2021 йилларда инвестицияларни жалб этиш асосида янги лойиҳаларни амалга ошириш, шу асосда аҳоли бандлиги ва фаоллигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларни ижобий, деб бўлмаслигини кўрсатади (2-расм).



2-расм. Сурхондарё вилоятида 2017-2021 йилларда ишга туширилган инвестиция лойиҳалари ва янги иш ўринлари динамикаси [13]

Жумладан, 2017-2021 йиллар мобайнида Сурхондарё вилоятида жами 12,6 трлн. сўмдан зиёд 4746 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилган бўлса, ушбу лойиҳалар асосида 46471 та янги иш ўринлари яратилган. Ушбу кўрсаткичларнинг йиллар кесимидаги таҳлилида асосий улуш 2017 йилда эришилган ижобий натижаларга тўғри келади. Хусусан, мазкур йилда 1,4 трлн. сўм қийматига яқин 1440 та инвестиция лойиҳаси молиялаштирилиши эвазига 15795 та янги иш ўринлари ташкил этилган. Бу миқдорда 2019 йилда энг кичик улушларга эга бўлган. Яъни, ушбу йилда 2,7 трлн. сўмлик инвестиция лойиҳалари ишга туширилган бўлса-да, аммо, 609 та лойиҳа молиялаштирилиб, 5766 та янги иш ўринлари вужудга келтирилган. Ҳатто, мамлакатда пандемия шароитидаги 2020-2021 йилларда ҳам 2019 йилдаги даврга нисбатан ижобий натижаларга эришилган.

Мазкур ҳолатни вилоятнинг туман ва шаҳарлари кесимида ҳам таҳлил қилиш асосида минтақадаги нотекис инвестициялар, бандлик ва иқтисодий фаоллик жараёнларини ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, таҳлил этилган давр мобайнида инвестицияларни кўпроқ жалб этишга муваффақ бўлган туманлар сифатида Шеробод, Денов ва Жарқўрғон туманлари ҳамда Термиз шаҳрини мисол сифатида келтириш мумкин. 2017-2021 йиллар давомида минтақанинг мазкур ҳудудларига жалб этилган

инвестициялар ҳажми, яъни ишга туширилган лойиҳалар қиймати вилоятдаги умумий кўрсаткичнинг 55,9 фоизини (7,1 трлн. сўм), лойиҳалар сонининг 33,2 фоизини (1576 та), яратилган янги иш ўринларининг 43,7 фоизини (20295 та) ташкил этган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Сурхондарё вилоятида ушбу даврда амалга оширилган инвестиция лойиҳалари саноат (18617 та), хизмат кўрсатиш (14823 та) ва қишлоқ хўжалиги (13031 та) соҳаларида яратилиб, улар таркибида энг кўп лойиҳалар хизмат кўрсатиш соҳасида (2078 та) ишга туширилган бўлса, энг кўп инвестициялар саноат соҳасида (6,3 трлн. сўм – жами инвестицияларнинг 49,7 фоизи) жалб этилган. Мазкур ҳолат минтақада саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг фаоллик билан ривожланиб бораётганлигини кўрсатади.

Ўз навбатида, минтақада бир қатор туманлар (Бандихон, Олтинсой, Узун, Шўрчи, Бойсун, Қизириқ, Қумқўрғон, Музработ) борки, уларда инвестицион жозибадорликнинг паст даражада эканлиги боис, инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқариш ва иш ўринларини ташкил этиш ўта суст даражада қолмоқда.

Демак, минтақада умумий инвестицион жозибадорликни оширишда унинг ҳар бир ҳудудининг иқтисодий имкониятларини ошириб боришда қуйи даражадагиларни фаоллик билан ривожлантириш имкониятларини мунтазам ўрганиб ва зарур чораларни кўриб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу долзарблиқдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги «Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-287-сонли Фармони асосида ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартириш, туман ва шаҳарларни уларнинг шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб ривожлантириш бўйича янгича ёндашувларни жорий этиш, шунингдек, тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, давлат кўмагини бериш тартибини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида республика туман ва шаҳарлари 5 та тоифага ажратилди.

Ушбу гуруҳланишга кўра, Сурхондарё вилоятидан 4-тоифага Бойсун, Музработ, Узун, Шеробод ва Шўрчи туманлари, 5-тоифага Бандихон, Қизириқ ва Олтинсой туманлари киритилди.

Мазкур Фармон асосида 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар солиқ солишнинг қуйидаги табақалаштирилган тартиби жорий этилди:

а) 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари (йирик солиқ тўловчилар, доимий муассаса, бюджет ташкилоти ва давлат корхонаси, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар бундан мустасно):

– фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ ва ижтимоий солиқни 1 фоиз;
– юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдоридagi солиқ ставкалари бўйича тўлайди;

б) 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган якка тартибдаги тадбиркорлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини тўлашдан озод қилинади;

в) 4-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият

юритадиган тадбиркорлик субъектлари (йирик солиқ тўловчилар, доимий муассаса, бюджет ташкилоти ва давлат корхонаси, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар бундан мустасно) учун айланмадан олинадиган солиқнинг базавий солиқ ставкаси 3 фоиз этиб белгиланди. Бунда, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда мазкур солиқ бўйича пасайтирилган солиқ ставкалари сақлаб қолинади [14].

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига шу ҳудудда яшаётган ҳар бир фуқаро, шунингдек, республиканинг тармоқ ва соҳалар бўйича юқори масъул ташкилот ва муассасалари раҳбар-ҳодимлари ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари ҳисобига эришилишини унутмаслик лозим.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида қайд этилган имтиёз ва қулайликлар, келгуси 7 йил давомида амалга оширилиши натижасида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг ижроси Сурхондарё вилоятида туман ва шаҳарлар ўртасидаги тафовутларни кескин даражада қисқартириб, ижтимоий-иқтисодий аҳволни ўзаро яхшилаш ва барқарорлаштиришга имкон беради. Бироқ, ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида ҳам ҳал этилиши лозим бўлган бошқа муҳим вазифалар мавжуд. Жумладан, ҳар йили республика томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг Инвестиция дастури қабул қилинади ва унда тармоқ ва соҳаларга тегишли бўлган, минтақаларда амалга оширилиши устувор сифатида белгиланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва молиялаштириш чоралари белгилаб берилади. Ўз навбатида, ҳар бир минтақа бўйича ҳам алоҳида ҳудудий Инвестиция дастурлари қабул қилинади. Шунга кўра таъкидлаш лозимки, Давлат инвестиция дастуридан ташқари, Ҳудуд инвестиция дастури доирасида ҳам ички ва ташқи инвестицияларни, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш Сурхондарё вилоятида кучли эътибор қаратилиши талаб этилаётган жиддий масалалардан бўлиб қолмоқда. Зеро, давлат томонидан жалб этилган ҳар бир доллар инвестицияларга нисбатан минтақада жалб этилаётган инвестициялар нисбати ўта паст даражада қолмоқда. Бинобарин, глобал молиявий-иқтисодий инқироздан сўнг ҳар бир вилоят томонидан Ҳукумат тасдиғисиз 50 млн. АҚШ доллари миқдоридagi тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш имкониятлари яратилган ва бугунги кунга келиб, мазкур миқдорни туман ва шаҳарлар даражасида 100 млн. АҚШ долларигача амалга ошириш имкониятлари берилаётганлигига қарамай, ушбу йўналишдаги кўрилаётган тадбирлар қониқарсиз ҳолатда қолаётганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Таҳлил натижаларига кўра, Сурхондарё вилоятининг инвестицион жозибadorлигини оширишда унинг инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг янги йўналишларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш ҳолати қониқарли даражада эмас. Минтақа инвестицион салоҳиятини оширишда интеллектуал ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишидаги таълим-ишлаб чиқариш-маҳалла интеграцияси сустлигича қолиб кетмоқда.

Сурхондарё вилоятида иқтисодий-ижтимоий ривожланишни жадаллаштириш, бунинг учун ички ва ташқи инвестицияларни фаол жалб этиш йўлида минтақанинг инвестиция муҳити жозибadorлигини янада ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш тавсия этилади:

1. Сурхондарё вилоятининг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида унинг инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида туризм, рақамли технологиялар, инфратузилма ва институционал салоҳият йўналишларида инвестицияларни фаол жалб этишга хизмат қилувчи шарт-шароитларни такомиллаштириш зарур.

2. Сурхондарё вилоятининг ҳар бир тумани ва шаҳар кесимида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш кўлами ва йўналишларини ошириб бориш, ҳудудий тоифалар туркумида 4 ва 5-тоифа ҳудудларидаги манзилларда ҳокимлик ва вазирликлар томонидан тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини ошириш асосида имтиёزلардан самарали фойдаланиш юзасидан изчил ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда унинг мониторингини олиб бориш зарур.

3. Сурхондарё вилоятида инвестицион салоҳиятини оширишда интеллектуал ресурсларни шакллантириш, уларни ҳудудий жойлаштириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида таълим-ишлаб чиқариш-маҳалла интеграциясини такомиллаштириб бориш лозим.

4. Сурхондарё вилоятида эркин иқтисодий зоналар, кичик ва ёшлар саноат зоналари, технопаркларда тадбиркорлик субъектлари сони ва фаолияти самарадорлигини, улар томонидан маҳсулот ва хизматлар экспортини жадал ошириб бориш дастурини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш лозим.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Доклад о мировых инвестициях 2022. Конференция Организации Объединенных Наций по Торговле и развитию ЮНКТАД. Международные налоговые реформы и устойчивые инвестиции. – Женева, 2022 год. https://unctad.org/system/files/official-document/wir2022_overview_ru.pdf.
2. Маматов Б.С., Хужамкулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-Молия, 2014. – 608 б.
3. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвститсиялар. Ўқув кўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 153 б.
4. Тухлиев Б.К. Инвестиция муҳити ва фаолияти натижаларини баҳолаш услублари. «Яшил иқтисодиёт ва тараққиёт» ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, илмий, оммабоп журнали, 2023-йил, июн. № 6-сон, Б. 382-386 // <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz>.
5. Pernia Ernesto M.; Salas John Michael Ian Sioson (2005) : Investment climate and regional development in the Philippines, UPSE Discussion Paper, No. 2005,01, University of the Philippines, School of Economics (UPSE), Quezon City.
6. Басенко А.М., Таранов П.В. Особые экономические зоны как институциональный инструмент мобилизации инвестиционно-финансового потенциала территориального развития. // Финансовые исследования. 2016. №1 (50).
7. Жўраев Х., Алияров О. Минтақа инвестиция муҳити ва инвестицион жозибадорлиги. «Иқтисод ва молия» журнали, 2015. – №7. Б. 25-37.
8. Эргашев А.Х. «Ҳудудларнинг инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш истиқболлари (Фарғона вилояти мисолида)» мавзусида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илм. дар. олиш бўйича дисс. автореферати. – Т.: ТДИУ, 2018. – 49 б.
9. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Илмий амалий кўлланма / Ш.И.Мустафакулов. – Тошкент: Baktria press, 2017. – 320 б.

10. Скорниченко Н.Н. Обеспечение инвестиционной привлекательности регионов России в условиях влияния международных санкций. Вестник Самарского университета. Экономика и управление. 2022. Т. 13, № 2. С. 100-108.
11. Хужамкулов Д.Ю. Эркин иқтисодий ҳудудлар. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт, 2019. – 408 б.
12. Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.
13. Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг расмий веб-сайти.
<https://surxondaryo.uz/blog/investitsiya-saloiyati>
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги «Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-287-сонли Фармони. // www.lex.uz
15. <https://uzlidep.uz/news-of-party/14541>

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 9 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).